

Маънавиятимиз сарчашмалари

ШОИР КУТГАН ЗАМОН КЕЛДИ

БИР КИТОБ ТАҚДИРИ

АТОҚЛИ ўзбек шоири ва педагоги Элбек — Машриқ Юнуснинг бой ижод даври XX асрнинг 20- ва 30-йилларига тўғри келади. У бор-йўғи 18 йил ижод қилган бўлса-да, бу қисқа муддат ичида ўзбек адабиётининг деярли барча жанрларида — болалар адабиёти, шеърляри-фольклори, кўшиқлар, масаллар, топшмоқлар, эртақлар, достонлар соҳасида: катталар учун лирик шеърлар, эртақ ва афсоналар, достонлар, ҳикоялар, очерклар, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, ҳикоятлар, сон-саноксим ижтимоий-сиёсий мавзуларда тизмалар яратган эди. Айниқса, унинг қаламига мансуб бўлган ўрус тилидан ўзбек тилига ағдарилган тизма ва сочма асарлар талайгина.

райки, юқорида қайд қилган ярим босма табокли «Тартиб» изоҳоти ва ҳалиги 17 та ноёб суратлар йўқ. Қолаверса, шoirнинг яна 51 та шеъри жиддан олиб қўйилган... Шундай қилиб, бир жилдликни шoir ва «Минҳож» нашриётининг бошлиғи Минҳожиддин Ҳайдар қўлига топшираман. Ушбу жилд Минҳожиддин қўлида роса 8 ой турди. У баъзи жойларини таҳрир қилган бўлди, нашрга такрор тайёрлади. Аммо чоп этилиши ҳамон муаммога айланб борди...

Маълумки, шoir Элбекнинг номи ўша 20- ва 30-йиллардаги ўзбек адабиётининг даргалари: Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Аъзам Айюб, Зиё Саид сингарилар билан ёнма-ён туради. Мен ўзининг кўп йиллик излашларим давомида истиклол учун курашиб, охир оқибатда «миллатчи» сифатида йўқотиб юборилган кўплаб шoir ва ёзувчилар қаторида Элбек ва унинг асарларини ҳам топиб, уларни араб ва лотин ёзувида ҳозиргача ағдариб, нашрга тайёрлаш бахтига муяссар бўлдим.

ларга киритилган, барча асарларининг босилган манбалари изоҳоти берилган «Тартиб»ни ҳамда 17 та ноёб суратларни шу нашриётнинг муассасдилари қўлига топшириб келдим. Нашриёт режасига кўра ушбу икки жилд 1994 йилда шoir юбилейига нашр этилиши лозим эди. Баъзи сабабларга кўра, унинг ёруғлик кўриши чўзила бошлади. 1995 йил келди. Мени нашриётга қақиртиришиб, икки жилдликни бир жилдга келтиришни маслаҳат беришди. Кўндим. Улар ўзлари сайлашиб бир жилдга келтиришди. 1997 йил келди. Ўша йилнинг июнь ойларида нашриётга бордим. Борсам кўлэма ва нашрга тайёрлаганларим йўқолиб кетиш ҳолига тушиб қолган, унинг чоп этилишидан кўра йўқолиб кетиши аник бўлиб қолибди.

Бевосита вилоят ҳокимининг ёрдами ва биз мурожаат қилган туман ҳокимлиги, ёзувчилар уюшмаси кўмаги билан ушбу кўп ёруғлик кўриш арафасида. Мен умид қиламанки, бу тўплам шoir юбилейига муносиб сова бўлади. Қолаверса, Элбекнинг ҳозиргача номалум бўлган кўплаб асарларини ўқиб-ўрганиш ўша давр тарихи ҳақида, шoir қалби ва қиёфасини аниқлашда бизга тўлароқ маълумот беради.



ЭЛБЕК АЙТГАН ЭДИ...

Шoirликдан мақсад, сўз кўчиришмас, Шеърдан ҳам мақсад ўт ўчиришмас. Шoirлик — маънони тиза билишдир, Мазмунни расомдек чиза билишдир.

Тўй

Гирдобдаги «хас»лар тўлқунларан, Вилинмас «уларми», сувларми жўшқун. Ёки сўқадирми дарёлар кўксин Баҳорнинг наъравор арслони — тўлқун. Ҳар нечук «хас»ларда бир ўзгариш бор, Улар чумолилар янглиқ қимирлар. Сувлар юзларинда суюнчулар учар, Кўзлар чарчаб тўймас, чарчаб жимирлар.

Элбек

Ховли биқинига ёпишган кичик Уйчада йигитлар хандон қулалар. Рақиблар чидалмай телбалар каби, Ўзларин уралар, сочлар юлалар.

Озгина таомил, ичиш, ейишдан Бўшалғач йигитлар иргиб турдилар. Ховлининг ўрталик ерини чоғлаб Ўтинлар қалашиб, гулхан қурдилар.

ҚАЛБИМ

Норйигит, Тозагул бу кун ўзгача, Ўзгалик етмишдир юзу-кўзгача. Буларнинг кўзлари чақмоқ чақалар. Қайгилар уйини ўртаб, ёқалар.

Хаёлим чўлимдан капалак каби Учқиниб йўқолди билмадим қайга. Уни охтараркан қалбим назари Ташланди ёлтираб туручи ойга.

Қарилар юзида кўринмас умур Кўрқави қазиган кўрқинчилик чуқур. Бўлмишдир суюнчининг тўлқинида фарқ, Буларни ёшлардан қилиб бўлмас фарқ.

Ҳой, сўйла ой, Менинг хаёлим қайда, Ёки сен ўғирлаб олиб қолдингми? Ҳой қалбим, айтқил сен, у қайси жойда, Ёки сен ҳам охтаришдан тўйддингми?

Англадим, тушундим, хаёлим менинг Шу чиройли ойнинг қўйнига қочкан. Қалбим боли сенга, кўзларинг сенинг Уни кўра олган, ой сирин очкан.

ҲАЗИНАГА

Газетамизнинг ўтган сонларида Машриқ Юнус ўғли Элбекнинг деярли барча асарлари ҳақида маълумот берувчи изоҳотини эълон қилган эдик. Шoirнинг юз йиллик юбилейига муносиб тўплам бўлган мазкур изоҳот нафақат кенг ўқувчилар оммаси учун, балки, тадқиқотчи олимлар учун ҳам қулайлик бўлди. Қуйида «Ҳазинага йўлланма»нинг давоми билан танишасиз.

«СОҒИНҒАН ЧОҚЛАРДА», «УЙҒОН, КУНГИМ», «КЕСИЛГАН УМИД», «СЕВГИЛИМГА», «ЎКСУЗ» шеърлари «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламига киритилган.

ЭЛБЕК ШЕЪРЛАРИГА ИЗОҲЛАР: ТУТҚОН ҚУШЧА. 1918 йил, 20 июлда ёзилган, «Иштирокион» газетасида 1918 йил 21 июлда чоп этилган. 1925 йили шoirнинг «Кўзги» тўпламига киритилган. КҮЗ ЁШЛАРИМ. 1919 йил, 1 ноябрда ёзилган, «Кўзги» тўпламига киритилган. ҚАРФА. 1919 йил, 15 апрелда ёзилган, «Кўзги» тўпламида берилган. ТИЛ. 1920 йили ёзилган. «Ўзбек ёш шoirлари» (1922 й.) тўплами ҳамда «Ўзбекча ўқиш китоби» (1922 й.)нинг 3-саҳифасида берилган.

«Ушбу кунги бола, она тилиго ўзининг тили эмас, муаллимнинг тили деб қорайди. Тилинг режаларин бола ўзи сўзлаб юрган тилинг режалари деб эмас, «Ўзбекча ўқиш»нинг режалари деб тушунади. Ишнинг бундай бўлишининг кўб сабабларининг энг тублисини ўзларининг билими оз ёш муаллимларимизнинг қўлида ўқутиш йўлини кўрсаткан бир китоб, тўғриси бир мақоланинг бўлмаслиғидир».

ПАРДА. 1920 йилнинг 3 мартида ёзилган, «Кўзги» тўпламига киритилган. ҚИШЛОҚ ТУРМУШИ-ДАН. 1920 йили «Иштирокион»нинг 30 июль сониде, «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламида берилган. МУХИТ ИЧИДА. «Иштирокион» газетасининг 1920 йил, 5 сентябр сониде босилган, «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламига киритилган. ЯНА АЛДАДИНГ. (Чигатой гуригинг). 1920 йил, 18 сентябрда «Иштирокион» газетасида чоп этилган. «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламида ҳам берилган. БИР СҮРӨФ. 1920 йил, 18 октябрда ёзилган ушбу шеър, «Кўзги» тўпламига киритилган. БУЛБУЛГА. «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламига киритилган. БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ. 1921 йил, 2 мартда ёзилган, «Кўзги» тўпламига киритилган. ҚУРОЛГА. 1921 йилда ёзилган, «Ўзбек ёш шoirлари» тўпламига киритилган. «КУМАК ЭТ» ва «Қизил аскарга олинган бир кишининг сўзи» шеърлари 1921

«Ушбу кунги бола, она тилиго ўзининг тили эмас, муаллимнинг тили деб қорайди. Тилинг режаларин бола ўзи сўзлаб юрган тилинг режалари деб эмас, «Ўзбекча ўқиш»нинг режалари деб тушунади. Ишнинг бундай бўлишининг кўб сабабларининг энг тублисини ўзларининг билими оз ёш муаллимларимизнинг қўлида ўқутиш йўлини кўрсаткан бир китоб, тўғриси бир мақоланинг бўлмаслиғидир».

Йўлланма

«...Айтатургон биргина сўзимиз, «иш мактаби» деган шoir мактаб билан турмушни кўшиш учун, бирин-бирига босқин (поя) қилиш учун солингондир. Мактаб билан турмуш бири Қоғқоз ва бири Хитойда ётмасун. Мактабда ўқигон одам билимини кучоқлаб олиб, турмушго ёроқсиз бўлуб чиқмасун, деган ўйдан (фикрдан) тўғмишдир... Болани, одам мактабга тўти бўл, деб бермайду, сўздан иш айирмайтургон иш олими бўлсун деб берадур...»

БИЗДА ҚИШ. «ТҮЙҒУ», «ЭСЛАШ» шеърлари 1929 йилнинг 21 январда, «МУЖ-ДАЛАР» шеъри шу йилнинг 19 февралда ёзилган бўлиб, улар шoirнинг «Баҳор» шеърлар тўпламига киритилган. БАТРАК ҚОРАВой. 1929 йил, 5 мартда, «ВИҚОР» эса шу йил 10 мартда ёзилган бўлиб, «Баҳор» шеърлар тўпламига киритилган. ЧИРЧИҚ. 1929 йилнинг 14 майда ёзилган, 1929 йилнинг 2 сентябрда «Қизил Ўзбекистон» газетасида, «Баҳор» шеърлар тўпламида чоп этилган. «БАҲОР ИШКИ», «ТҮРҒАЙ» шеърлари 1929 йилда ёзилган, «Баҳор» тўпламига киритилган. «ЯЛТА ОҚШОМИ». «Ер юзи» журналининг 1929 йил, 20-сониде босилган. «ЭЗФИ ТУН». 1929 йил, 2 августда, «КҮЗГИ ТУН» 1 октябрда, «ОҚШОМ», «ПАРЧА», «ҚИШЛОҚДАН ХАТ» октябр ойида, «Ишчи қўл» 17 декабрда, «ҚИЗИЛ ҚАРВОН» 24 декабрда ёзилган бўлиб, булар шoirнинг 1930 йилда чоп этилган «Меҳнат қуйлари» тўпламига киритилган. ҚУЁШ. 1929 йил, январда ёзилган, «Баҳор» тўпламига киритилган. ЧИН БАҲОР. 1930 йил, 6 апрелда ёзилган, «Меҳнат қуйлари» тўпламига киритилган. БУ КҮН. 1930 йил, 1 майда, «КУКАТ ПАХТАЛАР» 5 майда ёзилган бўлиб, булар «Меҳнат қуйлари» тўпламига киритилган. ЯНГИ БҒҒУН. Ўғли Улғубекка бағишлаб, 1930 йил, 19 октябрда ёзилган. 1933 йил, 22 февралда «Камбағал дехқон»да, 1933 йил, 9 майда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган. 1937 йилда чоп этилган шoirнинг «Шеърлар» тўпламида ҳам босилган. БУ КҮНЛАР. Бу 1930 йил, 25 октябрда ёзилган, 1935 йили «Фунчалар» шеърлар тўпламида босилган. КУЛХҲЗ. «Аланга» журналининг 1930 йил, 3-сониде босилган. САЛОМ. 1931 йил, 20 апрелда ёзилган, шoirнинг 1934 йили чоп этилган «Шеърлар» тўпламига киритилган.

«Ушбу кунги бола, она тилиго ўзининг тили эмас, муаллимнинг тили деб қорайди. Тилинг режаларин бола ўзи сўзлаб юрган тилинг режалари деб эмас, «Ўзбекча ўқиш»нинг режалари деб тушунади. Ишнинг бундай бўлишининг кўб сабабларининг энг тублисини ўзларининг билими оз ёш муаллимларимизнинг қўлида ўқутиш йўлини кўрсаткан бир китоб, тўғриси бир мақоланинг бўлмаслиғидир».

«Ушбу кунги бола, она тилиго ўзининг тили эмас, муаллимнинг тили деб қорайди. Тилинг режаларин бола ўзи сўзлаб юрган тилинг режалари деб эмас, «Ўзбекча ўқиш»нинг режалари деб тушунади. Ишнинг бундай бўлишининг кўб сабабларининг энг тублисини ўзларининг билими оз ёш муаллимларимизнинг қўлида ўқутиш йўлини кўрсаткан бир китоб, тўғриси бир мақоланинг бўлмаслиғидир».

«ЭЛБЕК сон жиҳатиндан кўб бўлгон элимиз шеърларини яхши онглайдир. Бу ҳол унинг кўп асарларида аник кўринадир. Шoir Элбек халқ мулки — оғиз адабиётини халқдан олиши ва халққа қайтадан етказишда эл тилининг тушунлири таъсирларидан кўп фойдаланган, эл адабиётини масалчилликини ўстирган катта санъаткор». Ашурали Зоҳирий, 1923 йил.

ТАРИХГА АЙЛАНГАН ЭЪТИРОФЛАР

«ЭЛБЕКДА тақлидчилик ва қуруқ ҳисга берилиш, хаёли оламида учиб йўқидир. Ул турмушга тўғри қарайдир. Шунинг учун ҳам Элбек ўртоқнинг шу тугтгон йўлида давом қилиб, узун достонлар ёзишни ва ўзбек матбуотида «йўқсуллар адабиёти»га йўл солишини, унинг шеърларини тил ва услуб жиҳатдан тузилишини умид қиламиз». «Туркистон» газетаси, 1923 йил. «БИРИНЧИ босилишдан кўра бу гал чиройли қилиб

Ушбу саҳифа материалларини тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарали УЗОКОВ нашрга тайёрлади.



Шу кун илк учрашувлар ўтадиган Қарши, Навоий, Андижон, Термиз, Тошкент, Самарқанд, Янгиер шаҳарларида ва Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ўйингоҳида чемпионат байроғи кўтарилди.

Биринчи турда вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида мамлакатимизнинг 1998 йилги чемпиони — пойтахтимизнинг «Пахтакор» футболчиларини қабул қилади.

Мамлакатимизнинг «Дўстлик» жамоасини эса эндиликда жамоанинг собиқ бош мураббийси Рустам Мирсодиқов бошқаради бўлди. Унга тақрибли устоз Евгений Валицкий ёрдам беради. Рустам Мирсодиқов Ногинск шаҳри «Автомобилчи» жамоасидан Давлатов ва Ҳасановларни, «Навбахор»дан Мухтор Курбонов ва Шуҳрат Раҳмонқулов, А. Семёнов, Аваз Хошимов, О. Собиров, Шерзод Назаров, Пономарёвни, «Сурхон» жамоасидан Алишер Бозорвни, «Хоразм»дан Улугбек Рўзимовни ўз жамоасига таклиф этди. Бу ўйинчиларнинг бари чемпион билан бўладиган учрашувда ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар, албатта. «Дўстлик» — «Пахтакор» учрашуви футбол байрами кунини, яъни биринчи турнинг энг қизиқарли учрашуви бўлиши, аниқ.

Эртага — 18 март кун мамлакатимиз ўйингоҳларида футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси VIII-миллий чемпионати ўйинлари бошланади

ФУТБОЛ ЯНА ТАШРИФ БУЮРДИ

Андижонда маҳаллий «Андижон» жамоаси Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилади. Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам катта футбол байрамига пухта ҳозирлик кўрилади. Чунки «Самарқанд» жамоаси ўтган йили биринчи табақа мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, олий табақага йўланма олди. Шу кун уларнинг биринчи рақиби Наманганнинг «Навбахор» жамоаси бўлади. Қарши шаҳрида «Насаф» ва «Хоразм» жамоалари учрашадилар.

Утган йили биринчи табақада муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни забт этган ва олий табақага йўланма кўлга киритган Янгиернинг «Янгиер» жамоаси биринчи учрашувини ўтган йилги чемпионатда дебютант бўлишига қарамай, кучлилар билан теппа-тенг курашган ва кучли олтиликдан жой олган Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси билан майдонга тушади.

Олимпия турнири саралаш учрашувларида Ўзбекистон терма жамоасининг Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон терма жамоалари билан ўтказилган ўйинларидан баҳраманд бўладилар. Терма жамоамизга бу мусобақаларда муваффақият тилаб қоламиз. Кўп сонли футбол мухлисларининг илтимосларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси VIII-миллий чемпионати олий табақа жамоалари биринчи давра учрашувлари ва Кубок ўйинлари тақвими хавола этамиз.

Талъат ЮСУПОВ.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ — НИГЕРИЯДА

ВИНДУК. Маълумки, жорий йилнинг 3-14 апрель кунлари Нигерияда футбол 10-жаҳон биринчилиги ўтказилади. Унда дунёнинг 24 терма жамоаси олти гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун курашади.

риши мумкин, деди тадбир ташкилий кўмитаси директори ўринбосари Майнассари Ило. Айтилган пайтда Нигериянинг барча оммавий ахборот воситалари бўлажак футбол учрашувларини кенг ёритишга ҳозирлик кўрмоқда. (ЎзА).

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ VIII-МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ВА КУБОК ЎЙИНЛАРИ ТАҚВИМИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА VIII-МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИДА 16 ЖАМОА ҚАТНАШАДИ

БИРИНЧИ ДАВРА

I ТУР. 18 МАРТ

«Насаф» — «Хоразм»
«Зарафшон» — «Бухоро»
«Андижон» — «Сўғдиёна»
«Сурхон» — «Металлург»
«Дўстлик» — «Пахтакор»
«Трактор» — «Нефтчи»
«Самарқанд» — «Навбахор»
«Янгиер» — «Темирйўлчи»

II ТУР. 23 МАРТ

«Хоразм» — «Темирйўлчи»
«Насаф» — «Зарафшон»
«Бухоро» — «Андижон»
«Сўғдиёна» — «Сурхон»
«Металлург» — «Дўстлик»
«Пахтакор» — «Трактор»
«Нефтчи» — «Самарқанд»
«Навбахор» — «Янгиер»

III ТУР. 28 МАРТ

«Зарафшон» — «Хоразм»
«Андижон» — «Насаф»
«Сурхон» — «Бухоро»
«Дўстлик» — «Сўғдиёна»
«Трактор» — «Металлург»
«Самарқанд» — «Пахтакор»
«Янгиер» — «Нефтчи»
«Темирйўлчи» — «Навбахор»

3 АПРЕЛЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН.

IV ТУР. 6 АПРЕЛЬ

«Хоразм» — «Навбахор»
«Насаф» — «Сурхон»
«Зарафшон» — «Андижон»
«Бухоро» — «Дўстлик»
«Сўғдиёна» — «Трактор»
«Металлург» — «Самарқанд»
«Пахтакор» — «Янгиер»
«Нефтчи» — «Темирйўлчи»

10 АПРЕЛЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН.

V ТУР. 13 АПРЕЛЬ

«Андижон» — «Хоразм»
«Дўстлик» — «Насаф»
«Сурхон» — «Зарафшон»
«Трактор» — «Бухоро»
«Самарқанд» — «Сўғдиёна»
«Янгиер» — «Металлург»
«Темирйўлчи» — «Пахтакор»
«Навбахор» — «Нефтчи»

VI ТУР. 18 АПРЕЛЬ

«Хоразм» — «Нефтчи»
«Насаф» — «Трактор»
«Зарафшон» — «Дўстлик»
«Андижон» — «Сурхон»
«Бухоро» — «Самарқанд»
«Сўғдиёна» — «Янгиер»
«Металлург» — «Темирйўлчи»
«Пахтакор» — «Навбахор»

24 АПРЕЛЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ТУРКМАНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН.

VII ТУР. 30 АПРЕЛЬ

«Сурхон» — «Хоразм»
«Самарқанд» — «Насаф»
«Трактор» — «Зарафшон»
«Дўстлик» — «Андижон»
«Янгиер» — «Бухоро»
«Темирйўлчи» — «Сўғдиёна»
«Навбахор» — «Металлург»
«Нефтчи» — «Пахтакор»

VIII ТУР. 5 МАЙ

«Хоразм» — «Пахтакор»
«Насаф» — «Янгиер»
«Зарафшон» — «Самарқанд»
«Андижон» — «Трактор»
«Сурхон» — «Дўстлик»
«Бухоро» — «Темирйўлчи»
«Сўғдиёна» — «Навбахор»
«Металлург» — «Нефтчи»

IX ТУР. 10 МАЙ

«Дўстлик» — «Хоразм»
«Темирйўлчи» — «Насаф»

«Янгиер» — «Зарафшон»
«Самарқанд» — «Андижон»
«Трактор» — «Сурхон»
«Навбахор» — «Бухоро»
«Нефтчи» — «Сўғдиёна»
«Пахтакор» — «Металлург»

15 МАЙ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН.

X ТУР. 18 МАЙ

«Хоразм» — «Металлург»
«Насаф» — «Навбахор»
«Зарафшон» — «Темирйўлчи»
«Андижон» — «Янгиер»
«Сурхон» — «Самарқанд»
«Дўстлик» — «Трактор»
«Бухоро» — «Нефтчи»

«Сўғдиёна» — «Пахтакор»

XI ТУР. 23 МАЙ

«Трактор» — «Хоразм»
«Нефтчи» — «Насаф»
«Навбахор» — «Зарафшон»
«Темирйўлчи» — «Андижон»
«Янгиер» — «Сурхон»
«Самарқанд» — «Дўстлик»
«Пахтакор» — «Бухоро»
«Металлург» — «Сўғдиёна»

29 МАЙ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ҚОЗОҒИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН.

XII ТУР. 1 ИЮНЬ

«Хоразм» — «Сўғдиёна»
«Насаф» — «Пахтакор»
«Зарафшон» — «Нефтчи»
«Андижон» — «Навбахор»
«Сурхон» — «Темирйўлчи»
«Дўстлик» — «Янгиер»
«Трактор» — «Самарқанд»
«Бухоро» — «Металлург»

XV ТУР. 20 ИЮНЬ

«Янгиер» — «Хоразм»
«Бухоро» — «Насаф»
«Сўғдиёна» — «Зарафшон»
«Металлург» — «Андижон»
«Пахтакор» — «Сурхон»
«Нефтчи» — «Дўстлик»
«Навбахор» — «Трактор»
«Темирйўлчи» — «Самарқанд»

26 ИЮНЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ТОЖИКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН.

3 ИЮЛЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ҚИРГИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН.



XIII ТУР. 6 ИЮНЬ

«Самарқанд» — «Хоразм»
«Металлург» — «Насаф»
«Пахтакор» — «Зарафшон»
«Нефтчи» — «Андижон»
«Навбахор» — «Сурхон»
«Темирйўлчи» — «Дўстлик»
«Янгиер» — «Трактор»
«Сўғдиёна» — «Бухоро»

12 ИЮНЬ

Олимпия турнири саралаш учрашуви
ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН.

XIV ТУР. 15 ИЮНЬ

«Хоразм» — «Бухоро»
«Насаф» — «Сўғдиёна»
«Зарафшон» — «Металлург»
«Андижон» — «Пахтакор»
«Сурхон» — «Нефтчи»
«Дўстлик» — «Навбахор»
«Трактор» — «Темирйўлчи»
«Самарқанд» — «Янгиер»

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

11 АПРЕЛЬ

1-БОСКИЧ

«Роҳат» — «Сергели»
«Семург» — «Орол»

27 АПРЕЛЬ

2-БОСКИЧ

«Косонсой» — «Насаф»
«Шаҳрихон» — «Бухоро»
«Истиклол» — «Зарафшон»
МХСК — «Навбахор»
«Ситора» — «Янгиер»
«Семург» — «Орол» (ўйини голиби) — «Андижон»

11 АПРЕЛЬ

«Цементчи» — «Трактор»
«Машъал» — «Самарқанд»
«Хива» — «Дўстлик»
«Кимёгар» — «Сўғдиёна»
«Кизилқум» — «Сурхон»
«Шўрчи» — «Металлург»
«Шўртон» — «Нефтчи»
«Роҳат» — «Сергели» (ўйини голиби) — «Пахтакор»
«Тўқимачи» — «Хоразм»
«Ғазалкент» — «Темирйўлчи»

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишларича, 17-20 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлиши мумкин. Ёғингарчилик бўлмади.

17-18 март кунлари кечалари 4 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари эса 5-10 даража илиқ, 19-20 мартда ҳарорат кўтарилиб, кечалари 0-5, кундуз кунлари эса 14-19 даража илиқ бўлади.

ҚИНҒИР ИШ ПАЙИНИ ҚИРҚИШ МУМКИН

ҚЎЛИ эгри одам ҳамма ерда, ҳаммага, ҳаммаша ташвиш келтиради. Халқ безоридан қандай безор бўлса, ўғрилардан ҳам шундай зада.

Ташмачилик ҳам ўғриликнинг ўзгинаси. Ўғрининг ҳам, ташмачининг ҳам турган-битгани эл-юртга, жамиятга зарар.

Хўш, кўнгли қинғир, қўли эгри бундай кимсалар пайини бутунлай қирқилиши иложи борми? Бор, албатта. Бунинг учун, аввало, ҳар бир фуқаро, бутун жамоатчилик баравар ва изчил кураш олиб бориши керак. Жумладан, вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги қўриқлаш бошқармаси ва унинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари ходимлари аҳоли орасидаги ана шундай фаоллар ёрдамига таяниб, содир этилаётган ўғрилик, ташмачиликларни юз фоиз очиб ва жиноятчиларни аниқлашга ҳаракат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

НАФАСИ ИЧИГА ТУШДИ

ОҲАНГАРОН шаҳар ИИБ ва унинг қошидаги қўриқлаш бўлими ходимларидан иборат тунги гуруҳ «Сантехкуйма» хиссадорлик жамиятида ўғрилик содир этилгани ҳақида хабар топиши билан оқ шига киришди.

Кўрилган тезкор кидирув гуруҳи чоралари туфайли орадан кўп вақт ўтмай, Ю. Пешков исми қимса кўлга олинди.

Айни кунларда ҳеч қачонда ишламайдиган бу шахс аввалига норозилик билдириб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринди. Бироқ, қўриқлаш ходимлари у умарган жами 52 миң 500 сўмлик далилий ашёларни рўпара қилишга, нафаси ичига тушиб кетди. Ҳозир Ю. Пешков устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

МИС ЎРАМГА ЎРАЛДИ

«БЕКОРЧИДАН худо безор» деганларича бор. Бекорчиликдан «теша тегмаган» қинғир қилиқлар келиб чиқади.

Ҳеч қачонда ишламай, саёғ юриш, текин даромадга ружу қўйиш Чирчиқ шаҳрининг

02 ХАБАР ҚИЛАДИ

Конструкторлар кўчасидаги 5-«А» уйнинг 31-хонадонида яшовчи 25 ёшли навқирон йигит Анатолий Федеренкога ҳам маънавий жиҳатдан анча қимматга тушди. У гишт заводида қарашли электр цехидаги электр двигателининг умумий қиймати 15 миң сўмлик мис ўрамасини ўмараетганда, бир-икки ҳафта давом этадиган «шоҳона ҳаёт»ни кўз олдида келтирган бўлса, ажабмас. Лекин, унинг текин ошига паша тушди.

Қўриқлаш бўлимининг зийрак ходимлари А. Федеренконни айнан ўғрилик устида қўлга туширдилар. Энди навбат — тергов ва судга.

«БЕТАЙИН БЎЛСАНГ НЕТАЙИН»

ТЎҒРИ-ДА. Ҳеч қачонда ишламас, уй-жойининг тайини бўлмас, ҳатто, қора курс ҳам кўзини очмас, бундайлардан фақат ташвиш қутши мумкин, холос.

Ю. Ортиқов ҳам ана шундай қариб қуюлмаганлардан экан. Йўқса, тунги соат икки-

ларда яққа ўзи бойўғликке изғиб юрармиди? Ҳақиқатан ҳам жон койитмай, мўмай пулни кўлга киритиш илмининг унинг уйқусини қочирган экан. У «Ангренқўмиртехтранс» корхонасига қарашли кўмир саралаш шохобчасидан 90 метр узунликдаги рангли металл — мисни ўмариб кетаётганда, қўриқлаш бўлими ходимлари «бетайин бўлсанг нетайин», деб унинг йўлини тўсишди.

Шундай қилиб, илгари ҳам судланган «тунги овчи» устидан навбатдаги тергов бошланди.

ТЎР ДЕБ, ТЎРГА ИЛИНДИ

«СУҚЛИК — ҳўрлик келтиради». Қиبرىялик Николай Галамов бу халқ нақли қанчалик тўғри ё нотўғри эканлигини илгари билмаган бўлса, мана энди амалда кўрайдиган бўлади.

У кеч соат йигирмаларда ўзи ишлайдиган «Вой-Ко-ЛТД» қўшма корхонасидан умумий қиймати 30 миң сўмлик туркопларни олиб чиқиб кетаётганда «Тозалаш» тадбирини ўтказётган қўриқлаш ходимларининг тўрига тушди.

Ташмачини қўриқловчиларнинг тузоғидан терговчилар «қутқариб» олишди. Аммо, уни суд ҳўқмидан ҳеч ким қутқара олмади.

Хамза туманидаги «ДЖОЗЕФ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси **ТУГАТЛАДИ.**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 98-51-79 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Хамза туманидаги «ДЖОЗЕФ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчакли штампни йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент вилоят савдо» Акционерлик Компаниси ва Тошкент вилоят шаҳарлар «Савдо», «Таом» акционерлик жамиятлари бошқаруви ва меҳнат жамоалари «Матлуботсавдо» Акционерлик жамияти раиси Толиқтон Тўшўлатовга волидан муҳтарамаси **САЙДИНИСО АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изкор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • **ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзил: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.